

НАВОЙНИНГ «САБЪАИ САЙЁР» АСАРИДА ЮКСАК АХЛОҚИЙ ХИСЛАТЛАР ТАЛҚИНИ

Жўраева Нигора Ниёзбобоевна
Академик Бобожон Ғафуров номидаги
Хужанд давлат университети

Амир Алишер Навоий (1441-1501) нафақат ўзбек адабиётининг балки Шарк мумтоз шеърятининг буюк алломасидир. Амир Алишер Навоийнинг барча асарларида ўзбек халқининг қадимий ва бой маънавий қадриятлари, комил инсон тараннум этилган. Навоийнинг ўлмас асарлари бетакрор мазмун-моҳият ва юксак бадииятга эга бўлиб, уларда Ҳақ ишки ва инсоний муҳаббат, дўстлик, саховат, мардлик, одиллик, жавонмардлик (футувват), инсонпарварлик ва бошқалар тарғиб қилинган.

«Сабъаи сайёр» асаридаги биринчи мусофир қиссасини кўриб чиқсак, биринчи мусофир ҳикоятда комил инсоннинг ахлоқий қирралари ифодаланган. Унда ҳинд шоҳи Жасратхон шундай тавсифланади:

Ҳинд мулкида бор эди шоҳи

Шоҳлиғ ишларидан огоҳи...

Ҳам фалак раҳнамои бахти анинг,

Ҳам Сарандиб пойтахти анинг.

Лақаби Хон эди, оти Жасрат,

Мулкидин шоҳларга юз ҳасрат (1,104).

Унинг ўғли Фаррух ҳар томонлама етук, одобли, донишманд, олижаноб ва адолатли валиаҳд шаҳзода сифатида вояга етади:

Лутф ила хулқи ҳадду ғоятсиз,

Фаҳму идроқи худ ниҳоятсиз.

Бори илму камол аро моҳир,

Зотидин юз камол ўлуб зоҳир.

Зухду тақво келиб шиори анинг,

Бўлубон поклик ҳисори анинг.

Оти Фаррух жамоли фархунда,

Хулқи олам элин қилиб банда (1,105).

Фаррухнинг бошқа шаҳзодалардан фарқи шу эдики, отасининг давлатига келадиган божу хирожларга, молу мулкига, тожу тахтига ҳам майл-рағбати йўқ эди. Ёши саксонга етиб қолган Жасратхон эса салтанатини Фаррухга топширишни истайди ва валиаҳд шаҳзоданинг бундай иш тутишидан изтироб чекади.

Фаррух бир тунда ибодат қилиб кўзи илинади. Тушида ўзини бир биёбонда кўп

кишилар орасида кўради, шу пайтда сабо эсиб, бир париваш қизнинг юзидаги пардасини кўтаради.

Фаррух уйқудан сесканиб туради, кўрган тушидан унинг кўнглига қайғу чўқади, борган сари изтироби ортиб боради ва отасига муддаосини, яъни жаҳонгашталиққа иштиёқи борлигини изҳор этади. Шоҳ унга рухсат бермаса бош олиб кетишини изҳор этади:

«Буйла ишқим менга таваллодур,
Шоҳдин рухсат ўлса авлодур.
Бўлмаса рухсат, ўлғуча огах,
Кетгудекмен бошим олиб ногах»(1,107).

Шоҳ Жасратхон кўнглига айрилиқ ханжари урилса-да, розилиқ беради:

Берибон рухсат они шод этти,
Жон била жисми хайрбод этти (1,107).

Фаррух сафарга отланади, кўп машаққатлар чекиб Қуддус ерига боради ва ўзи билан бирга борганларга:

«Тутмангиз бу диёр ичинда маком,

Қайтингиз, вассалому вал-икром» (1, 111) дея нома қолдириб, шоҳона либосларини «шом ранг палос», яъни қора рангли палосга алмаштириб, тушида кўрган парирухсорини излаб кетади. Кўп бенаволик ва саргардонликдан сўнг уни шаҳарнинг сахий табиатли давлатманд кишиси Ахий кўриб қолади. Фаррухни уйига олиб боради ва меҳмоннавозлик кўрсатади.

Бизга маълумки, одобли киши ҳар қандай шароитда ҳам кишиларнинг мансаби, ёши, табақасини ҳисобга олган ҳолда унга яхши муомалада бўлади.

Фаррухнинг айтганларидан маълум бўладики, у тушида Ахийнинг хотини Гулчехрани кўрган. Шу ўринда Ахий англайдики, илм ва ақл ишқнинг олдида ожиздир:

Хожа жисмига тоб тушти баче,
Кўнглига изтироб тушти баче.
Ки бу янглиғ нишонларки деди,
Ҳарам иффатиға содиқ эди (1,118).

Ахий ўз номи билан олижаноб саховатманд кишидир. Тасаввуф таълимотида ўзидаги нарсанинг бир қисмини бировга берган сахий, ҳаммасини берган ахийдир. Ҳазрат Амир Алишер Навоий шунинг учун ўз қаҳрамони номини Ахий деб атаган.

Ахий қаттиқ изтиробга тушади, лекин ишқига содиқ ғариб ошиққа «фикр айлаб, мурувват ва футувват» кўрсатади, бу ўринда биз ҳаётга теран ақл-идрок, ҳақиқат ва

эзгулик ягоналиги, олий ҳақиқат, муҳаббат ва ростгўйлик муштараклиги, ақлий ва ахлоқий камолотнинг олий кўриниши, хис-туйғуларнинг ҳаётга сингиб кетишини, ҳар қандай ҳолатда инсонга меҳр билан қараш ва ҳар қандай муаммога ақл кўзи билан қарашни тушунамиз:

Лутф ила деди хожаи доно,
«Ғам ема, эй мусофири барно!
Сени қилғон бу навъ бечора,
Хонумонингдин этган овора.
Гарчи жонингға хусни офат эрур,
Бизнинг элдур, менга қаробат эрур.
Сени комингға еткурурман бил!
Лек ҳар неки дермен андоқ қил!» (1,119).

Воқеалар тасвири изчил ривожланиб боради. Гарчанд, Ахий Гулчехрадан айро яшашни ҳатто тасаввур қилолмаса-да, тонгла унинг қошига келиб «тақдир ишларига тадбир қилолмаслиги»ни айтади. Аллоҳнинг розилиги учун уларни никоҳлаб, Фаррухни юртига кузатиб кўяр экан, уларга юз адад кул, хаширу тева, атласу дебо тухфа қилди. Сафари олдидан Фаррухнинг қора рангли палосини, яъни қора либосини ёдгорлик деб тилаб олади.

Муродига етган Фаррух ғам-андух ва ҳажр ўтидан узоқлашиб, масрур ҳолда Гулчехра томон ошиқади:

Айлади майл гулрухи сори,
Кўрди ашкин юзида гулнори.
Юзни тирноқ ила фиғор этган,
Барги насрини лолазор этган.

«Ғамгин кўринасан, бунинг ҳикмати недур?» (1,122) - деб сўради. Гулчехра асил воқеани айтиб беради.

Навоий асарда, Фаррух Ахийнинг олижаноблигига қойил қолиши ва унинг ўз хотини Гулчехрани сингил деб қарашини ихчам қилиб баён этади:

«Гар анга бу қадар мурувват бор,
Бизда ҳам шаммаи футувват бор.
Сен ҳам энди шукуфта бўлғил!
Менга ики жаҳон сингил бўлғил» (1,123) -

Шундан сўнг Ахий ҳаётининг маъноси йўқолди, яшашдан мақсади қолмади. Дехқончилигига офат, савдосига касод етди, ҳар ишники қилса, таназулга юз тутди.

Сўнгра Фаррухдан сўраб олиб қолган қора палосни олиб, Сарандиб сари йўл олади. Айни пайтда Фаррух сайр қилиб юрган эди. Унга Ахийнинг устидаги қора палос кўзига иссиқ кўринади ва ғарибни бедор қилади. Кўрсаки Ахий. Уни таниб дарҳол отдан тушади, иккаласи қучоқлашиб кўришади, сўнг саройга олиб боради. Унинг хурматини жойига қўйиб, иззат-икром кўрсатадики, бу Фаррухнинг олижаноблигидан далолат беради: «Фаррух олижаноблик қилади, ақли ва иродаси эҳтиросни енгади. У Гулчехрани эсон-омон Ахийга қайтаради» (2,106). Шу ўринда қайд этиш жоизки, ақлнинг олий неъмат эканлиги ва ҳамма вақт ақлга таяниб иш кўришлик ҳақида Закариё Розий (865-925) ўзининг «Рухий табобат» китобида, «Зарур аст, ки дар ичрои корҳо ба ақл така намоем...» (3,46) яъни ҳар ишни амалга оширишда ақлга таяниб иш тутиш зарур, дейди.

Навоий «Сабъаи сайёр» достонидаги бу ҳикоятда теран ақл-идрокка таяниб иш тутиши инсон ақлий ва ахлоқий камолотнинг олий даражаси эканлигини таъкидлаб, инсондаги жавонмардлик-футувват, саховат ва олижанобликни улуғлайди. Биз Амир Алишер Навоийнинг бу достонидаги Ахий ва Фаррух одобининг оддий муомала муносабатлардан юксак ахлоқий категорияларгача ривожланганлиги кўрамиз. Ахийнинг олижаноблиги ва ундаги сабру таҳаммул инсонни комилликка етакловчи ва иродасини синаб кўрувчи илоҳий бир куч, буюк ахлоқий кадрятдир. Зеро, ахлоқ категориялари инсон ҳатти-ҳаракатининг умумий йўналишини кўрсатган ھолда, кўпгина ахлоқий меъёрлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

Достондаги Ахий араб, Фаррух – ҳинд, уларнинг урф-одатлари бошқа-бошқа, лекин инсоний туйғулари бу тушунчалардан устундир. Зеро, бир хил шароитда яшаётган кишиларнинг ҳатти-ҳаракати, хулқ-атвори турлича бўлиши мумкин.

Булардан кўриниб турибдики, достонда улуғланган меҳр-мурувват, жавонмардлик, олижаноблик, тўғрилиқ, ростгўйлик, ҳалоллик, одиллик, сахийлик, ахийлик ва руҳан баркамол инсон яъни, комил инсон Амир Алишер Навоийнинг орзусидир. Хусусан, комил инсонга хос бундай хислатлар билан боғлиқ масалалар “Сабъаи сайёр” достонидаги бу ҳикоятда янги талқин топганлигини кўрамиз.

Адабиётлар

1. Навоий. Сабъаи сайёр. – Тошкент: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1948.
2. Н.Маллаев. Сўз санъатининг гултожи. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
3. Закариёи Розӣ. Мунтахаби осор. – Душанбе: Адиб, 1989.